

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.04/13.05.2020.Tib.93.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

БУСТАНОВ ОЙБЕК ЯКУБОВИЧ

**БИРИКТИРУВЧИ ТЎҶИМАНИНГ ТИЗИМЛИ КАСАЛЛИКЛАРИДА
ЦЕРЕБРО-ВАСКУЛЯР БУЗИЛИШЛАРИДАГИ АНТИФОСФОЛИПИД
СИНДРОМИНИНГ ТАШХИСИ, КЛИНИК-НЕЙРОФИЗИОЛОГИК ВА
ИММУНОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

14.00.13– Неврология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Бустанов Ойбек Якубович

Бириктирувчи тўқиманинг тизимли касалликларида церебро-вакуляр бузилишларидаги антифосфолипид синдромининг ташхиси, клиник-нейрофизиологик ва иммунологик хусусиятлари..... 3

Бустанов Ойбек Якубович

Клинико-нейрофизиологические, иммунологические особенности и диагностика антифосфолипидного синдрома при церебро-вакулярных нарушениях на фоне системных заболеваний соединительной ткани 27

Bustanov Oybek Yakubovich

Clinical-neurophysiologic, immunological features and diagnosis of antifosfolipid syndrome by cerebrovascular disorders at background systemic diseases of connective tissue 49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 53

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.04/13.05.2020.Tib.93.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

БУСТАНОВ ОЙБЕК ЯКУБОВИЧ

**БИРИКТИРУВЧИ ТЎҚИМАНИНГ ТИЗИМЛИ КАСАЛЛИКЛАРИДА
ЦЕРЕБРО-ВАСКУЛЯР БУЗИЛИШЛАРИДАГИ АНТИФОСФОЛИПИД
СИНДРОМИНИНГ ТАШХИСИ, КЛИНИК-НЕЙРОФИЗИОЛОГИК ВА
ИММУНОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

14.00.13– Неврология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.3.PhD/Tib.398 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Андижон давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.bsmi.uz) ва «Ziyonet» ахборот-таълим портали www.ziyonet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Маджидова Якутхон Набиевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Юсунов Фурқат Абдулахатович
тиббиёт фанлари доктори, профессор
(Қирғизистон)

Санаева Матлюба Жаҳонкуловна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Ульяновск Давлат Университети
(Россия Федерацияси)

Диссертация * ҳимояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги PhD.04/13.05.2020.Tib.93.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «3» август кuni соат 12:30 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Навоий шох кўчаси, 1-уй. Тел./факс: (+99865) 223-00-50).

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (029-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Навоий шох кўчаси, 1-уй. Тел./факс: (+99865) 223-00-50.

Диссертация автореферати 2021 йил «19» июль да тарқатилди.
(2021 йил «19» июль даги _____ рақамли реестр баённомаси)



[Handwritten signature]

Д.Т.Ходжиева
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори(DSc)

[Handwritten signature]

С.С.Пўлатов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари номзоди

[Handwritten signature]

Г.А.Ихтиярова
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори (DSc)

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Антифосфолипид синдроми (АФС)-замонавий тиббиётнинг долзарб мултидисциплинар муаммолари қаторига кириб, аутоиммун тромботик васкулопатиянинг ноёб нусхаси сифатида текширилади. Бу синдром биринчи бўлиб тизимли қизил бўрича (ТҚБ) доирасида ёритилган ва антикардиолипид синдроми деб номланган, кейинчалик ўша муаллифлар томонидан антифосфолипид синдроми (АФС) деб қайта номланган.

Нормада антифосфолипид антитаначалар (АФЛ) синтези бўлиши мумкин, бироқ кўпинча антитаначанинг паст даражаси соғлом киши қонида кузатилади. Турли маълумотларга кўра “...популяцияда антитела кардиолипид (АКЛ) нинг тезлиги 0 дан 14%гача ўзгаради, у ўртача 2-4%ни ташкил қилади, бунда юқори кўринишдаги титр 0,2% донорда аниқланади”.¹ Асаб тизимининг шикастланиши транзитор ишемик ҳуруж, ишемик инсулт, сурункали мия ишемияси, эпилепсия, мигрен, хорая, миелит, нейросенсор эшитмаслик ва бошқа неврологик ҳамда руҳий симптомлар АФСнинг ўта оғир кўриниши ҳисобланади. АФСда турли хил неврологик кўринишлар, асосан томир шикастланиши локализацияси ва унинг ифодаланганлик даражаси билан боғлиқ бўлиб, ногиронликка олиб келиши сабабли муҳим муаммо бўлиб қолмоқда.

Жаҳонда бириктирувчи тўқиманинг тизимли касалликларида цереброваскуляр бузилишларидаги антифосфолипид синдромининг ташхиси, клиник-нейрофизиологик ва иммунологик хусусиятларини баҳолашни такомиллаштиришга қаратилган илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада бириктирувчи тўқиманинг тизимли касалликлари турли шакллари билан хасталанган беморларда ултратовуш транскраниал доплерография (УТТКДГ) ва магнит-резонанс томография (МРТ) маълумотлари атеросклеротик генезли цереброваскуляр касалликлар ва бошқа майда ўчоқли бош мия шикастланиши сингари ўхшаш клиник кўринишли касалликлар билан цереброваскуляр касалликларни келиб чиқишига сабаб бўлувчи антифосфолипид синдромини қонда волчанкали антикоагулянт, кардиолипид, бета-2-гликопротеин текширувлари орқали антифосфолипид синдроми цереброваскуляр касалликларни келиб чиқишида ўзаро боғлиқликни қиёсий баҳолаш натижасида исботлашдан иборат. Бириктирувчи тўқиманинг тизимли касалликларида цереброваскуляр бузилишларидаги антифосфолипид синдромининг ташхисини ишлаб чиқиш ва касалликни бирламчи тиббиёт бўғинида эрта ташхислаш, чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, жумладан, турли неврологик касалликларни ташхислаш, даволаш ва олдини

¹Т.М.Решетняк: Антифосфолипидный синдром: Диагностика и клинические проявления (лекция) Научно-практическая ревматология. 2014;52(1) с 56-71. <https://doi.org/10.14412/1995-4484-2014-56-71>

олиш сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда “ихтисослаштирилган тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини ошириш, тез ва шошилиш тиббий ёрдам тизимини янада ислоҳ қилиш, ногиронликнинг олдини олиш”² каби вазифалар белгиланган. Шундан келиб чиққан ҳолда бириктирувчи тўқиманинг тизимли касалликларида цереброваскуляр бузилишларидаги антифосфолипид синдромини тўғри ташхислаш ва даволаш соҳанинг долзарб йўналишлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2017 йил 16 мартдаги ПФ–4985-сон “Шошилиш тиббий ёрдам фолляти тизимини ташкил этиш ва моддий-техник базани келгусида мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон “Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. “Тиббиёт ва фармакология” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги кунда дунё олимлари томонидан АФСнинг этиологик омилларини ўрганиш бўйича тадқиқотлар ўтказилган бўлиб, асаб тўқимаси хужайралари, томир эндотелияси, тромбоцитлар мембранасида қатнашувчи фосфолипид детерминантларига нисбатан аутоиммун реакцияси ривожланиши асосида муҳим синдромнинг мавжудлиги антифосфолипид синдроми бош миёда қон айланишларининг ўткир бузилишларини, юрак қон томир касалликлари миокард инфаркти ҳамда чуқур веналар тромбозларини келтириб чиқаришга сабаб бўлишини бир қанча илмий изланишларида ёритиб ўтишган (Cervera R. et al., 2017 Corban M.T. et al., 2017).

Антифосфолипид синдроми турли тромбозларда, акушерлик патологияларида, асаб ва қон-томир патологияларида волчанкали антикоагулянт ҳамда АКЛ мавжудлиги кўплаб аъзо ва тўқималарга таъсир

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947 сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

қилади ва гиперкоагуляция ҳолатини келтириб чиқиши билан изоҳланади (Sciascia S.et al., 2017).

Ўзбекистонда асаб-руҳият тизимидаги ўзгаришлар борасида қатор олимлар томонидан Ш.Ш. Шомансуров, 2010; Б.Г. Гафуров, 2015; Г.С. Рахимбаева, 2016; Р. Ж. Матмуродов, 2017; Д.Т. Хожиева, 2019 тадқиқот ишлари ўтказилган, бироқ, бириктирувчи тўқиманинг тизимли касалликларида церебро-вакуляр бузилишларидаги антифосфолипид синдромининг ташхиси, клиник-нейрофизиологик ва иммунологик хусусиятларини баҳолашни такомиллаштиришга қаратилган ишлар ўрганилмаган.

Ҳозирги вақтда дунёда антифосфолипид синдромининг диагностикаси ва даволаш-профилактикаси бўйича қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Жумладан, клиник-неврологик, нейровизуализацион ўзига хос хусусиятига эга бўлган бириктирувчи тўқиманинг тизимли касалликлари билан хасталанган беморларда асаб тизимидаги ўзгаришларни келиб чиқишида антифосфолипид синдромини эрта босқичларида аниқлаш имкониятини яратувчи текширувларни ишлаб чиқишни оптималлаштириш муҳим амалий аҳамиятига эга.

Диссертация тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Андижон давлат тиббиёт институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “2017–2020 йилларда кексалар ва ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари комплекси” мавзусидаги доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади антифосфолипид синдроми церебро-вакуляр кўринишларининг клиник неврологик, нейровизуал ва иммунологик хусусиятларини баҳолашни оптималлаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

бириктирувчи тўқиманинг тизимли касалликлари билан касалланган беморларда церебро-вакуляр бузилишларнинг клиник-неврологик хусусиятларининг келиб чиқишида антифосфолипид синдромининг ўрнини баҳолаш;

бириктирувчи тўқиманинг тизимли касалликлари билан касалланган беморлар церебро-вакуляр бузилишларида УТТҚДГ ва МРТ ёрдамида церебрал гемодинамика ва бошнинг магистрал томирлар ҳолатини баҳолаш;

бириктирувчи тўқиманинг тизимли касалликлари билан касалланган беморлар церебро-вакуляр касалликларида бош мия шикастланишининг нейровизуализацион хусусиятини баҳолаш;

бириктирувчи тўқиманинг тизимли касалликлари билан касалланган беморлар церебро-вакуляр касалликлари генезида антифосфолипид синдромининг маълум иммунологик маркерлари (волчанкали антикоагулянт,

кардиолипин, β 2-гликопротеинга нисбатан антитана) билан антифосфолипид синдромининг ўрнини баҳолаш;

бириктирувчи тўқиманинг тизимли касалликлари билан касалланган беморларда церебро-вазуляр бузилишларининг келиб чиқишида антифосфолипид синдромининг ўрнини баҳолаш ва ташхислаш тактикасини оптимизациялаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2017-2019 йиллар давомида Андижон вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази ревматология бўлимида 256 нафар (37 эркак, 219 аёл) бириктирувчи тўқиманинг тизимли касалликларини турли шакллари билан касалланган беморлар текширувга олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида беморларнинг қон зардобида антикардиолипинга IgG/IgM, анти- β 2-гликопротеинга (B2GPI) IgG/IgM ҳамда қон плазмасида волчанкали антикоагулянт миқдорларини аниқлаш учун веноз қон материали олинган клиник нейровизуализация, бош миёна ҳолатини баҳолашда МРТ текшируви ва бош миёна қон томир ҳолатини текширувида экстракраниал доплерографик натижалари таҳлил материаллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда клиник-неврологик, иммунологик, нейровизуализацион тадқиқотлар ва статистик усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотининг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

бириктирувчи тўқиманинг тизимли касалликларининг турли шаклларида антифосфолипид синдроми билан боғлиқ неврологик белгиларнинг клиник–иммунологик жиҳатлари, ультратовуш ва нейровизуализация текширувларининг натижалари ўзаро мос келиши аниқланган;

бириктирувчи тўқиманинг тизимли касалликларининг турли шаклларида антифосфолипид синдроми билан боғлиқ неврологик белгилар келиб чиқишида иммунологик текширув кўрсаткич натижаларини (қон зардобида IgG/IgM антикардиолипин ва IgG/IgM анти- β 2-гликопротеин ва қон плазмасида волчанкали антикоагулянт) ишончли ошганлиги исботланган;

антифосфолипид синдромининг неврологик кўринишли бириктирувчи тўқиманинг тизимли касалликларида иммунологик реакция кўрсаткичлари соғлом донорлар, ноаутоиммун генезли неврологик касалликлар мавжуд беморлар ва асаб тизими шикастланмаган бириктирувчи тўқиманинг тизимли касалликлари бор беморларга нисбатан ишончилиги юқорилиги исботланган;

неврологик кўринишли бириктирувчи тўқиманинг тизимли касалликлари кузатилган беморларда антифосфолипид синдромини эрта ташхислашда иммунологик ҳамда клиник-нейровизуализацион текширувларни қўллаш билан такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

бириктирувчи тўқиманинг тизимли касалликларига чалинган беморлар церебро-вазуляр касалликлари генезида антифосфолипид синдромининг маълум иммунологик маркерлари кардиолипин IgG/IgM, бета- β 2-

гликопротеин IgG/IgM ва волчанкали антикоагулянт антитаначаларини текшириш орқали антифосфолипид синдромининг текширув усуллари ишлаб чиқилган;

бириктирувчи тўқиманинг тизимли касалликларига чалинган беморлар церебро-вакуляр касалликлари генезида антифосфолипид синдромининг хавф омиллари кўп омилли математик таҳлил асосида аниқланган;

амбулатор ва стационар шароитда шифокор невролог, ревматологлар учун бириктирувчи тўқиманинг тизимли касалликларига чалинган беморларда церебро-вакуляр касалликлар аниқланганда антифосфолипид синдромини ташхислаш алгоритми ишлаб чиқилган;

комплекс антифосфолипид синдромининг маълум иммунологик маркерлари ва нейровизуализацион тадқиқотлар асосида бириктирувчи тўқиманинг тизимли касалликларига чалинган беморлар церебро-вакуляр касалликлари аниқланганда антифосфолипид синдромни ташхислаш мезонлари такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган клиник-неврологик, иммунологик, инструментал ва статистик усуллар асосида бириктирувчи тўқиманинг тизимли касалликларида церебро-вакуляр бузилишларидаги антифосфолипид синдромининг ташхиси клиник-нейрофизиологик ва иммунологик хусусиятлари халқаро ҳамда, маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти бириктирувчи тўқиманинг тизимли касалликлари билан хасталанган беморларда церебро-вакуляр касалликлар ташхисланганда антифосфолипид синдромини эрта ташхислаш ва текширув усулларининг яхшилашни назарий аҳамияти борасидаги билимларнинг такомиллаштирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти бириктирувчи тўқиманинг тизимли касалликларига чалинган беморларда церебро-вакуляр касалликлар аниқланганда антифосфолипид синдромини ташхислашда клиник-неврологик, иммунологик, инструментал текширувларни комплекс текширув усули ишлаб чиқилганлиги ва у тўғрисидаги назарий ва амалий билимларнинг такомиллаштирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши. Бириктирувчи тўқиманинг тизимли касалликларида церебро-вакуляр бузилишларидаги антифосфолипид синдромининг ташхиси, клиник-нейрофизиологик ва иммунологик хусусиятларини баҳолаш бўйича олинган натижалар асосида:

цереброваскуляр бузилишларда антифосфолипид синдромни кузатиладиган беморларни текширишнинг илмий натижалари асосида ишлаб чиқилган

“Бириктирувчи тўқима тизимли касалликлари фонида церебро-васкуляр бузилишларда антифосфолипид синдроми кузатилган беморларни ташхислаш ва парваришлаш тактикаси алгоритми” номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 9 октябрдаги 8н-д/171-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома бириктирувчи тўқима тизимли касалликлари негизида церебро-васкуляр бузилишларда антифосфолипид синдроми кузатилган беморларни эрта ташхислаш ва парваришлаш тактикаси алгоритмини татбиқи натижасида касалликни камайтириш ва беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берган;

бириктирувчи тўқиманинг тизимли касалликлари натижасида юзага келган бош мия қон томир касалликларида антифосфолипид синдроми ривожланишини текшириш илмий натижалари асосида ишлаб чиқилган “Бириктирувчи тўқима тизимли касалликлари фонидаги цереброваскуляр бузилишларида антифосфолипид синдроми ривожланишининг прогнозлаш усуллари” номли услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 9 октябрдаги 8н-д/171-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома бириктирувчи тўқима тизимли касалликлари негизида цереброваскуляр бузилишларда антифосфолипид синдроми қайд қилинган беморларни эрта ташхислаш, уларни даволашда касалликни камайтириш ва даволаш самарадорлигини ошириш имконини берган;

бириктирувчи тўқиманинг тизимли касалликларида церебро-васкуляр бузилишларидаги антифосфолипид синдромининг ташхиси, клиник-нейрофизиологик ва иммунологик хусусиятларини баҳолашни такомиллаштиришга қаратилган тадқиқот натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан Андижон вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази ва Андижон шаҳар тиббиёт бирлашмаси амалий фаолиятига татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 15 февралдаги 8н-з/37-сон маълумотномаси). Олинган натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши бириктирувчи тўқиманинг тизимли касалликларида антифосфолипид синдромини ташхислаш алгоритмининг татбиқи натижалари ногиронлик ва ўлим даражасини камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 1 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, бешта боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 117 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва заруратини асослаш, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предметини тавсифлашга бағишланган, тадқиқотнинг Республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Антифосфолипид синдромида клиник-иммунологик кўринишларнинг замонавий ҳолати”** деб номланган биринчи боби адабиётлар шарҳига бағишланган бўлиб, дунё илмий-тиббий адабиётидаги кўп миқдордаги нашрларга қарамасдан уларда бириктирувчи тўқиманинг тизимли касалликларида антифосфолипид синдромининг келиб чиқиши бунинг оқибатида церебро-вакуляр касалликлар билан асоратланишини аниқ диагностик, клинко-неврологик белгилари келтирилмаганлиги, иммунологик текширувлар, ташхисотнинг инструментал усуллари ва неврологик маълумотлари муносабатлари кўрсатилмаганлиги, церебро-вакуляр касалликлар жадаллашган сари миянинг маълум зоналари патологик жараёнга қўшилишини хусусиятлари аниқланмаганлиги мавзунинг долзарблигини кўрсатади.

Диссертациянинг **“Бириктирувчи тўқиманинг тизимли касалликларида церебро-вакуляр бузилишларидаги антифосфолипид синдромининг ташхиси, клиник-нейрофизиологик ва иммунологик хусусиятлари баҳолаш материал ва усуллари”** деб номланган иккинчи бобида текширилган беморларнинг умумий тавсифи борасида маълумотлар, шунингдек, уларни текширишда қўлланган инструментал, лаборатор усулларнинг натижалари келтирилган. Мазкур ишда бириктирувчи тўқиманинг тизимли касалликларнинг турли шакллари билан: 35 нафар тизимли қизил бўрича (ТҚБ), 13 нафар тизимли склеродермия (ТСД), 1 нафар тизимли васкулит (ТВ), 205 нафар ревматоидли артрит (РА), 1 нафар Рейно синдроми (РС), 1 нафар юракнинг ревматик касалликлари (ЮРК) билан касалланган 256 нафар беморнинг текшириш натижалари берилган (n=256).

Ҳамма беморлар АДТИ клиникаси ички касалликлар пропедевтикаси ва вилоят кўп тармоқли марказий шифохонаси ревматология бўлимида текширувда бўлди ҳамда даволанди, кейинчалик диспансер кузатувида бўлишган.

ТҚБга ва РАга чалинган беморларда ташхиснинг ишончилиги Америка Ревматологик Ассоциацияси АРА мезонлари асосида аниқланди,

тадқиқотдан 4 та мезондан кам бўлган беморлар чиқарилди. ТСД ташҳиси АРА экспертлари томонидан тавсия қилинган мезонлар мавжуд бўлганида ишончли деб ҳисобланган.

Текширилаётганларнинг 219 нафари (85,5%) аёллар ва 37 нафари (14,5%) эркекларни ташкил қилди. ТҚБ, ТСД, ТВ ва касалликнинг бошқа шаклларида аёллар устунлик қилган (94,3%, 100% ва 100%).

Беморларнинг ўртача ёши $39 \pm 12,7$ ни ташкил қилди, ревматоид артрит кузатилган беморлар ёши ($48,5 \pm 7,8$ ёш) энг катта бўлса, тизимли қизил бўрича билан касалланган беморларнинг ёши ($33,7 \pm 11,3$ ёш) энг кичиги эканлиги кузатилган. Гуруҳда умумий ревматик жараёнда ўртача $31,1 \pm 11,2$ ёш етакчилик қилган.

Бош миянинг магнит-резонанс томографияси (МРТ) Magnetomopen Siemens аппаратида стандарт усул (T1 ва T2 тартибида, сагитал, аксиал ва фронтал кесма зичлиги, 1-10 мм кесма қалинлиги) бўйича 0,5 Т магнит индукция катталигида мия моддаси ҳолатини визуал баҳолаш мақсадида амалга оширилган.

Беморлар қон зардобида IgG/IgM антикардиолипин ва IgG/IgM анти β 2-гликопротеинларнинг умумий миқдорини аниқлашда ИФА учун Orgentec Diagnostika (Германия) томонидан ишлаб чиқилган коммерция тўпламидан фойдаланилган.

Периферик қоннинг клиник, биокимёвий параметрларини текшириш мақсадида қиёслаш гуруҳи ва бириктирувчи тўқиманинг тизимли касалликларнинг турли шакллари билан касалланган беморларда текширилаётган кўрсаткичлар (лейкоцит, эритроцит, гемоглобин, умумий оксил ва фракция, ЭЧТ) ва қонни ивиш вақти ҳолати аниқланган.

Ҳар бир беморга стандартлаштирилган карта тўлдирилди. Статистик қайта ишлаш шахсий компьютерда ҳамма дастурлар асосида яратилган маълумотлар ёрдамида олиб борилди, унга текширишнинг клиник, лаборатор ва инструментал усуллари натижалари киритилган.

Маълумотлар базасини қайта ишлашга дисперсион дастур ва ўрта ҳажмда уларнинг хатолари, ўртача квадрат оғиш, дисперсия, корреляция коэффиценти кетма-кетликда шундай статистик тавсифларни ҳисоблаш билан статистик таҳлилга қўшилган.

Диссертациянинг **“Тадқиқотнинг клиник-неврологик ва иммунологик усуллари натижалари”** деб номланган учинчи бобида, назоратимизда касаллик ривожланишининг биринчи ойларида (7 нафар бемор 6,7%) то 17 йилгача бўлган муддатдаги ТҚБ билан касалланган 35 нафар бемор бўлди. Касалликнинг асосий белгиси 23 нафар беморда аниқланди. Кўпинча у “томирли капалак” (30,6%), полиартрит (28,2%) ва иситмалаш (16,5%) кўринишида кузатилди. Мия қон айланишининг ўткир бузилиши (МҚАЎБ) касалликнинг биринчи намоёни белгиси сифатида 12,9% ҳолатда қайд этилган.

Тадқиқотимизда кардиолипинга IgG/IgM синфи антитанаси мавжудлигига қараб бириктирувчи тўқиманинг тизимли касалликларнинг турли шаклларидаги 39 нафар бемор текширилди: улардан тизимли қизил бўрича (ТҚБ) 19, тизимли склеродермия (ТСД) 11, ревматоид артрит (РА) 9 нафарни ташкил қилган.

Кардиолипинга IgG/IgM синф антитанани аниқлаш натижалари 1-жадвалда берилган.

Олинган натижалардан маълумки, тизимли қизил бўрича ташҳисидаги беморларда кардиолипинга текширалаётган ҳар иккала IgG/IgM синф антитана даражаси ишончли ошган. 2-3-гурӯҳларда беморларга тизимли склеродермия ва ревматоид артрит ташҳиси қўйилган, IgG антикардиолипинлар даражаси назорат гуруҳ референс кўрсаткичларидан фарқ қилган, IgM синф антитана концентрацияси эса аҳамиятли, соғлом кишиларнинг аналогли кўрсаткичларидан 3 марта кўп бўлган. Бу 1-жадвалда акс эттирилган.

1-жадвал

Бириктирувчи тўқима тизимли касалликлари билан касалланган беморларда кардиолипинга IgG/IgM тури антитанасини аниқлаш

Гуруҳлар	Антикардиолипин, U/мл	
	IgG	IgM
1-гуруҳ – тизимли қизил бўрича (ТҚБ), n=19	15,17±0,58*	60,5±2,47*.*.*
2-гуруҳ - тизимли склеродермия (ТСД), n=11	8,29±0,12	33,86±1,04*.*.*
3 –гуруҳ - ревматоид артрит (РА), n=9	10,35±0,25	36,59±2,19*.*.*
Назорат(соғлом кишилар) #	10,0	10,0

Изоҳ: * - $p < 0,05$ (назорат гуруҳи билан таққослаш);

** - $p < 0,05$ (IgG антитана синфи учун аналогик кўрсаткичлар билан таққослаш);

- ТҚБ ташҳиси ИФА учун тўпламга кўрсатилган кўрсатмада ўртача референс йиғиндисига мувофиқ IgM антитана синфи кўрсаткичи референс йиғиндидан 6 марта ортган.

Олинган маълумотлардан кўришиб турибдики, бириктирувчи тўқималарнинг тизимли касалликларига чалинган беморларда аутоантитаналар даражаси сезиларли даражада ўзгаради. Касаллик узок давом этадиган кўпгина беморларида IgG аутоантитаналари даражаси мос референс-суммасига тўғри келган (ТҚБ билан касалланганлар бундан мустасно). IgG синфининг аутоантитаналари синтезининг бошланиши патологик жараённинг ривожланишини кўрсатади, бу аутоантитаналарнинг кардиолипинга концентрациясининг сезиларли даражада ошишини кўрсатади.

Таъкидлаш жоизки, $\beta 2$ -гликопротеин I ($\beta 2GPI$) ёки антикардиолипин сингари плазма оксилларига боғланувчи фосфолипидга қарши йўналтирилган антифосфолипид антитананинг мавжудлиги бирламчи ёки иккиламчи

антифосфолипид синдромининг ривожланиш белгилари ҳисобланади ва тизимли қизил бўрича ёки бошқа ҳолатлар (масалан, тизимли склеродермия, ревматоид артрит) сингари аутоиммун бузилишларга тўғридан тўғри боғланади. Синдромни муваффақиятли ташҳислаш учун камида 12 ой мобайнида антифосфолипид антитана намоён бўлувчи персистенциясига (яъни волчанка антикоагулянтлари, кардиолипин ёки IgG қарши IgG ёки IgM ёки b2GPI қарши IgM) камида битта клиник ва битта лаборатор мезонлар бирикмаси талаб қилинади. Тасниф мезонлари 2000 йил АФС бўйича 8-Халқаро конгрессда қабул қилинган, у 2006 йили Саппорода антифосфолипид синдром таснифи мезонлари кўриб чиқилган ва 2012 йили тромботик ва акушерлик синдром (BCSH) сингари ташҳислаш учун гематология стандартлари бўйича Британия қўмитасида қабул қилинган.

Шундай қилиб, олинган натижалар бириктирувчи тўқима тизимли касалликларига чалинган беморларда дифференциал ташҳис ва даволаш мониторингида қимматга эга.

IgG ва IgM синфларига тааллуқли тизимли қизил бўрича билан касалланган беморларнинг периферик қонида антикардиолипиннинг аниқланган миқдорининг ошиши, ушбу патологиянинг клиник кўриниши билан бирга касалликнинг ривожланиши ва аввал олиб борилган даволаш тадбирларидан кейин организмнинг аутоиммун жавоб фаоллашиши ҳақида маълумот бўлиши мумкин.

Тизимли склеродермияга чалинган беморлар периферик қонида антикардиолипинлар миқдорини текширишда патологик жараён кечишида маркер бўлиб IgM синф аутоантитана хизмат қилиши, яъни мазкур патологияда аутоиммун жараён “ўткир” хусусиятга эга эканлиги ва нисбатан қисқа даврда ташҳисланиши мумкинлиги аниқланган (2-4 ҳафта). Бу амалий соғлиқни сақлаш шароитида тизимли склеродермияни лаборатор ташҳисини қийинлаштириши мумкин ва патологик жараён бошланишини ишончли аниқлаш ҳамда олиб борилган даволашнинг муваффақиятли мониторинги, яъни бу касалликнинг диагностик фенотипини аниқлаш учун биомаркерлар мажмуасини яратишни талаб қилади.

Ревматоид артрит билан касалланган беморлар периферик қонида антикардиолипинлар миқдорини аниқлашда, яна тизимли склеродермия ҳолатида IgG синф аутоантитанаси патологик ҳолатда ишончли биомаркер ҳисобланмади, IgM синф аутоантитана концентрацияси эса референс йиғиндига нисбатан сезиларли юқори бўлган. Мазкур касалликда аутоиммун жараён “ўткир” хусусиятга эга бўлиб, нисбатан қисқа вақтда ташҳисланиши мумкин (2-4 ҳафтагача).

Антикардиолипинлар мавжудлигига бириктирувчи тўқима тизимли касалликлари ташҳисланган беморларда олиб борилган тадқиқотлар касалликнинг патологик этиологияси ва кечишига боғлиқликда аниқланган антитананинг миқдори ва синфида динамик ўзгаришларни кўрсатди. Бу

бириктирувчи тўқима тизимли касалликлари учун хос бўлган ташҳисий фенотип аниқлашни талаб қилади.

Бириктирувчи тўқиманинг тизимли касалликларининг турли шаклларида касалланган 39 нафар беморни β 2-гликопротеинга (B2GPI) IgG/IgM синфи антитанача: тизимли қизил бўрича (ТҚБ), n=19, (ТСД), n=11 ва (РА), n=9 борлигини текширдик 2-жадвалда берилган.

2-жадвал

Бириктирувчи тўқима тизимли касалликлари билан беморларда бета-2-гликопротеинга (B2GPI) IgG/IgM туридаги антитанани аниқлаш

Гуруҳлар	β 2-гликопротеин (B2GPI), U/мл	
	IgG	IgM
1-гуруҳ – тизимли қизил бўрича (ТҚБ), n=19	17,83±1,44	35,94±1,86*.*.*
2 –гуруҳ - тизимли склеродермия (ТСД), n=11	6,29±0,28*	13,14±0,35*.*.*
3-гуруҳ- ревматоид артрит (РА), n=9	7,71±0,19*	21,82±1,62**
Назорат (соғлом кишилар) #	20,0	20,0

Изоҳ: * - $p < 0,05$ (назорат гуруҳи билан таққослаш);

** - $p < 0,05$ (IgG антитана синфи учун аналогик кўрсаткичларни таққослаш бўйича);

- маълумотлар ревматоид артрит (РА) -9 киши, тизимли склеродермия (ТСД) -11 киши, ИФА бир киши учун тўплам тавсияларида кўрсатилган ўртача референс йиғиндига мувофиқ келтирилган.

Олинган натижалардан маълумки, ҳамма текширилган гуруҳларда B2GPI га IgG синф антитаналар концентрацияси паст бўлган (2-3-гуруҳлар) ёки соғлом кишилар (1-гуруҳ) кўрсаткичларидан фарқ қилмаган. Ревматоид артрит беморларида IgM синф B2GPI антитана даражаси ҳам назорат гуруҳига таққосланганда фарқ қилмаган. 2-гуруҳда (тизимли склеродермия беморлари) антитана миқдори IgG ва IgM B синф антитаналари сингари соғлом кишилар аналогик референс йиғиндидан (20,0U/мл) сезиларли паст (6,29±0,28 U/мл ва 13,14±0,35U/мл) бўлган.

Бириктирувчи тўқима тизимли касалликларида B2GPI га аутоантитана даражасини ифодаловчи патологик фенотип аниқланиб, қуйидаги хулосага келиш мумкин. Тизимли қизил бўричада (1-гуруҳ) IgG синф анти-B2GPI концентрацияси нормадан фарқ қилади, IgM синф анти-B2GPI миқдори эса назорат гуруҳининг референс кўрсаткичларидан сезиларли даражада ошади (79,7% га). Тизимли склеродермияда (2-гуруҳ) IgG ва IgM синф анти-B2GPI концентрацияси назорат гуруҳига нисбатан аҳамиятли пасаяди. Ревматоид артритда IgG, синф анти-B2GPI миқдори камаяди, IgM антитана эса соғлом кишиларда қандай бўлса, шундай кўрсаткичга эга бўлади. Бириктирувчи тўқима тизимли касалликларида IgG ва IgM синф анти-B2GPI миқдори кардиолипинга аутоантитана концентрациясидан фарқли ўлароқ, патологик

жараёнлар ривожланишига жавобан β 2-гликопротеин ва кардиолипин бирикишида турли ролларни бажариши билан тушунтирилади.

Шундай қилиб, тизимли қизил бўрича беморларида β 2-гликопротеинга (B2GPI) IgG/IgM синф антитанасини аниқлаш диагностик муҳим бўлиб, тадқиқотимизга кўра шубҳа қилинмайди. Бошқа патологияларда, асосан тизимли склеродермия ва ревматоид артритда B2GPI га антитанани аниқлаш антикардиолипинни аниқлаш билан комплекс бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Тадқиқотимиз бириктирувчи тўқима тизимли касалликларининг кечиши ва оғир ривожланиш патогенези ҳақида маълумотларни тасдиқлайди. Организмнинг патология ҳосил бўлиши ва адаптив жараённинг кўп омилли ривожланишига жавоби нафақат ташҳисни, балки касалликни даволаш мониторингини ҳам қийинлаштиради. Тизимли қизил бўрича, тизимли склеродермия ва ревматоид артрит сингари текширилган этиологиялар IgM синф иммуноглобулинлар кардиолипин ва бета-2-гликопротеинга антитанани аниқлаш ҳамда даволашда катта аҳамиятга эга эканлигини кўрсатди. Бунда патогенезда маркерлар сингари бир-бири билан ўзаро таъсирга эга, кўпинча уларнинг ҳаракатлари қаршиликка учрайди, шунинг учун бириктирувчи тўқима тизимли касалликларини ташҳислашда бу бирикмаларни комплекс аниқлаш муҳим ҳисобланади.

“Волчанкали антикоагулянт” атамаси биринчи бўлиб тизимли қизил бўрича (ТҚБ) билан касалланган беморларда узоқ вақт ивиш кузатилмаган плазма намунаси феноменини ёритишда қўлланилган. Волчанкали антикоагулянт иммуноглобулинларнинг гетероген синфи ҳисобланиб, протромбин ва β 2-гликопротеин I хужайра мембранасини оқсил билан боғлайдиган салбий зарядланган фосфолипид эпитопига махсус мўлжалланган, *invitro* фосфолипидга боғлиқ коагуляцияни ингибитлайди. Шунинг учун бундай аутоантитаналарнинг мавжудлиги қон кетиш билан эмас, балки артериал ва вена тромбозлари билан бирикади. Волчанкали антикоагулянт қатнашишидан тромбоз хавфи анти-бета-гликопротеин I ёки антикардиолипинга аутоантитанани аниқлашга нисбатан энг кучли ҳисобланади.

Тадқиқотимизда волчанкали антикоагулянт мавжудлигида бириктирувчи тўқиманинг тизимли касалликларининг турли шакллари билан касалланган 39 нафар бемор ўрганиб чиқилган: 19 нафар тизимли қизил волчанка (ТҚБ), 11 нафар тизимли склеродермия (ТСД), 9 нафар ревматоид артрит (РА).

Беморлар қон плазмасида волчанкали коагулянтнинг борлиги коагулологик усул билан текширилди, натижалари сифат жиҳатдан визуал ўрганилди, яъни беморлар қон плазмасида коагулянт борлиги фақат манфий ёки мусбат статус билан аниқланган. Волчанкали коагулянтни аниқлаш натижалари 3-жадвалда берилган, унда мазкур параметрнинг мусбат статуси аниқланган беморлар сони кўрсатилган.

Жадвалдан кўринадики, ҳамма текширилган гуруҳ беморларида волчанкали антикоагулянт бўйича мусбат натижа бўлган.

Жуда кўп ҳолатларда бу антикоагулянт тизимли қизил бўрича (1-гуруҳ-42,85±2,39%) ва ревматоид артрит (3-гуруҳ- 41,34±3,12%) беморларида аниқланган. Волчанкали антикоагулянтга ижобий тестнинг жуда кам миқдорини тизимли склеродермия беморларида 30,76±2,28% ҳолатда кузатилган (3-жадвал).

Аввал келтирилган тадқиқотлар баҳолари бўйича волчанкали антикоагулянт умумий аҳолининг 2-4% да кузатилган, аммо ҳақиқий тарқалганлиги ҳозиргача аниқ эмас. Ўртача антикоагулянт тизимли қизил бўрича билан касалланган беморларнинг 15–34% қон плазмасида мавжуд, бунда касаллик ёш ошиши билан ортиб боради ва аёллар жинси билан корреляция қилинади. Волчанкали антикоагулянтни лаборатор аниқлаш фосфолипидларда оксилга антитана ва эпитоплар гетерогенлигидан мураккаб вазифа саналади.

3-жадвал

Бириктирувчи тўқима тизимли касалликлари кузатилган беморларда волчанкали коагулянтни аниқлаш

Гуруҳлар	Қон плазмасида волчанкали коагулянт мавжуд бўлган беморлар миқдори %
1-гуруҳ – тизимли қизил бўрича (ТҚБ), n=19	42,85±2,39*
2-гуруҳ-тизимли склеродермия (ТСД), n=11	30,76±2,28*
3-гуруҳ - ревматоид артрит (РА), n=9	41,34±3,12*
назорат (соғлом кишилар) #	2,0


Изоҳ: * p<0,05 (назорат гуруҳи билан таққослаш бўйича);

- катта миқдордаги кишиларда волчанкали антикоагулянтнинг аниқланиши учун тўпламга кўрсатмада берилган маълумотлар ўртача референс йиғиндига мувофиқ келтирилди, идентификацияланди.

Ҳамма текширилган гуруҳ беморларида волчанкали антикоагулянт катта миқдорда аниқланди (30,0%дан ортиқ) ва фақат тизимли склеродермия беморларида антикоагулянт кам миқдорда кузатилган (30,76±2,28%).

Шундай қилиб, бириктирувчи тўқима тизимли касалликларини эрта аниқлаш ва даволаш мониторинги учун биомаркерлар комплексига, фикримизча, IgG/IgM антикардиолипидлар, IgG/IgM анти-бета-2-гликопротеинлар миқдорини ҳамда волчанкали антикоагулянтнинг сифат кўрсаткичларини (ижобий ёки салбий ҳолати) лаборатор усулда аниқлайди. Тадқиқотимиз кўрсатишича, бундай биомаркерлар мажмаусидан фойдаланиш бириктирувчи тўқима тизимли касалликларини ташхислаш ва даволаш самарадорлигини оширишга имкон беради.

Диссертациянинг “Тизимли қизил бўрича билан хасталанган беморларда мия динамикасининг ҳолати” деб номланган тўртинчи бобда ТҚБ беморларининг 30 нафарида УТТҚДГ ўтказилди. УТТҚДГ маълумотларига кўра, ТҚБ кузатилган беморларда ўнг умумий уйқу артерияси (ЎУУА) бўйлаб қон оқимининг чизиқли тезлиги $77,3 \pm 15,6$ см/с, чап умумий уйқу артерияси (ЧУУА) бўйлаб эса - $81,1 \pm 18,7$ см/с ни ташкил қилди ва қиёслаш гуруҳига нисбатан ($106,56 \pm 6,53$ см/с ва $102,25 \pm 4,203$ см/с) ишончли ($p < 0,01$) паст бўлган.



1-расм. ТҚБ беморларининг 30 нафарида УТТҚДГ ўтказилди

Ўнг ички уйқу артерияси (ЎИУА) бўйича қон оқимини чизиқли тезлиги $74,7 \pm 7,9$ см/с га тенг бўлди ва қиёслаш гуруҳига нисбатан ишончли паст бўлди ($80,3 \pm 4,3$ см/с), ТҚБ да чап ички уйқу артерияси (ЧИУА) бўйича - $73,9 \pm 11,2$ см/с га тенг эди. Ўнг ўрта мия артерияси (ЎЎМА) бўйича қон оқимини чизиқли тезлиги $88,3 \pm 22,1$ см/с, чап ўрта мия артерияси бўйича (ЧЎМА) - $100,7 \pm 32,3$ см/с га тенг бўлган. Ўнг умуртқа артерияси (ЎУА) бўйича қон оқимини чизиқли тезлиги $26,2 \pm 7,2$ см/с, ТҚБда чап умуртқа артерияси бўйича (ЧУА) - $26,8 \pm 8,3$ см/с аниқланди, ҳар иккала қон оқимини чизиқли тезлиги қиёслаш гуруҳига нисбатан ($52,2 \pm 14,8$ см/с ва $54,4 \pm 18,7$ см/с) ишончли паст ($p < 0,01$) бўлган. ТҚБ беморларида асосий артерия (АА) бўйича қон оқимини тезлиги $47,0 \pm 6,5$ см/с ни ташкил қилди. Ҳамма ҳолатларда қон оқими умуртқа артерияларида марказий ва 87,5% ҳолатларда симметрик, 12,5% ҳолатларда носимметрик бўлган.


Патологик жараённинг минимал фаоллиги фонида бош миёси МРТда 55,6% ҳолатда (5 киши) субарахноидал бўшлиқ кенгайиши, 33,3% ҳолатда (3 киши) қоринча тизимининг мўътадил кенгайиши, 13,3% ҳолатда (2 киши) пўстлоқости ганглияда ўчоқлар, 11,1% ҳолатда (1 киши) кортикал ўчоқлар, 13,3% ҳолатда (2 киши) перивентрикуляр ўчоқлар, бу гуруҳдаги 20% беморда ўчоқлар “янги”, 3 беморда (33,3%) мия қобиклари қалинлашиши кузатилган.

Фаолликнинг ўртача даражасида 12 нафар бемор орасида 16,7% ҳолатда (2 нафар бемор) субарахноидал бўшлиқ кенгайиши, 25% ҳолатда (3 нафар бемор) қоринча тизими кенгайиши, 8,3% ҳолатда (1 нафар бемор) базал ганглияда кўплаб ўчоқлар, 8,3% ҳолатда (1 нафар бемор) кортикал ўчоқлар, 16,7% ҳолатда (2 нафар бемор) перивентрикуляр ўчоқлар, беморларнинг тенг ярмида “янги” ўчоқлар, 4,3% ҳолатда мия қобиклари қалинлашиши аниқланган.

Фаоллик ифодаланган даражадаги 14 нафар бемор орасида 57,1% ҳолатда (8 нафар бемор) субарахноидал бўшлиқ кенгайиши, 42,8% ҳолатда (6 нафар бемор) қоринча тизими кенгайиши, 7,1% ҳолатда (1 нафар бемор) кортикал ўчоқлар жойлашиши, 14,2% ҳолатда (2 нафар бемор) перивентрикуляр ўчоқлар, беморларнинг тенг ярмида “янги” ўчоқлар, 7,1% ҳолатда (1 нафар бемор) мия қобиғининг қалинлашиши кузатилган.

